

Бутунжаҳон божхона ташкилоти*
ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
ўртасида

Тошкент шаҳрида ББТ минтақавий кинология марказини ташкил этиш
тўғрисида

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Бутунжаҳон божхона ташкилоти (бундан кейин “ББТ” деб аталувчи) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан кейин “ЎЗР ДБК” деб аталувчи):

Савдонинг глобаллашуви, савдо ҳажмларининг ортиши ва минтақавий интеграциялашув натижасида божхона ташкилоти олдида турган катта тўсиқларни тан олган ҳолда;

Савдо принципларининг ўзгариши, савдога ёрдам кўрсатишни оширишга бўлган эҳтиёж ва чегараланган ресурслар ёрдамида кўпроқ ишлаб чиқариш талаби божхона маъмуриятлари ва ББТ ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга чақиритишни эътироф этган ҳолда;

Ахборотни, таълим беришни ва техник ёрдамни тарқатиш асосий халқаро божхона конвенциялари таклифлари ва бошқа стандартларни ягона тарзда ижро этиш мажбурийлигини қўзлаган ҳолда;

ББТ унга аъзо давлатларга тегишли таълим беришни ва техник ёрдамни ҳавола этишини келиб чиқиб;

Қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

*Божхона ҳамкорлиги кенгаши тариқасида 1952 йилда таъсис этилган

1-модда

ББТ ва ЎзР ДБҚ Тошкент шаҳрида ББТнинг Минтақавий кинология марказини (бундан кейин “Кинология маркази”) ташкил этадилар.

ББТ минтақавий даражада кинолог-мутухассисларни ўқитиш ҳамда курол-аслаҳа, портловчи модда ва наркотик воситаларни қидириб топиш учун хизмат итларини тайёрлаш, шунингдек наркотикларнинг ноқонуний айланувига қарши курашиш соҳасида техник ёрдам масалалари юзасидан учрашувлар ўтказиш мақсадида Кинология марказининг имкониятларидан фойдаланади.

2-модда

1-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун, ЎзР ДБҚ Кинология марказини ББТга ҳавола этади.

3-модда

ЎзР ДБҚ Кинология марказини бошқаради ва ундан ўз миллий ва халқаро дастурлари мақсадида фойдаланади.

4-модда

1. Кинология маркази имкониятларидан оқилона фойдаланишни белгилаш учун Томонлар бир-бирини ўз ўқув режалари тўғрисида хабардор этадилар.
2. ББТ олдиндан, икки ойдан кам бўлмаган муддатда, режалаштирилган тадбирлар тўғрисида, зарур маълумотни тақдим этган ҳолда ЎзР ДБҚни огоҳ этади.
3. Англашув меморандуми имзолангандан сўнг бир ой ичида, Томонлар мазкур меморандумни ижро этиш масалаларини мувофиқлаштирувчи масъул шахсларни белгилайдилар.

5-модда


Кинология марказидан фойдаланишнинг техник шартлари

ЎзР ДБҚ машқ майдончаларини, ўқув синфлари ва қўлланмаларни, учрашув ўтказиш учун хона, таълим олувчилар учун ётоқхона, хизмат итлари учун вольерлар, махсус транспорт воситалари ҳамда Кинология марказининг бошқа хизматларини ББТга фойдаланиш учун ҳавола этади.


6-модда

1. Англашув Меморандуми имзоланган кундан бошлаб кучга киради.
2. Ушбу Меморандумнинг амал қилиши Томонлардан бирининг бошқа Томонга мазкур Меморандумнинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида ёзма хабарномаси келиб тушган вақтдан бошлаб тугатилади.
3. Ушбу Меморандумга Томонларнинг ўзаро келишуви асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида, 2008 йил “3” июнда, олтита нусхада, икки нусха инглиз, икки нусха ўзбек ва икки нусха рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.



Бугунжаҳон божхона ташкилоти
Бош котиби
Мишель Дане



Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси
Раиси
Садирхон Насиров